

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ - ДАВР ТАЛАБИ

Р.Мусурмонов

М.Мусурмонова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Аннотация: Мақолада узлуксиз таълим тизими муассасаларида таълим самарадорлигини ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятлари орқали янги босқичга кўтаришнинг назарий ва амалий асослари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: инновацион ривожланиш, давлат ва жамият, янги фикр, янги ғоя, инновацион амалиёт, инновацион технологиялар, таълим мазмунини ривожлантириш, шахснинг ривожланиши, “новация” ва “инновация”, инноватор-педагог.

INNOVATIVE ACTIVITY IN EDUCATION IS A REQUIREMENT OF THE TIME

R. Musurmonov

M. Musurmonova

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Abstract: The article considers the theoretical and practical basis for raising the effectiveness of education in the institutions of continuing education to a new level through innovative activities of teachers.

Keywords: innovative development, state and society, new thought, new idea, innovative practice, innovative technologies, educational content development, personal development, "innovation" and "innovation", innovator-educator.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ. Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони тузилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди” деб эътироф этган эди.

Дарҳақиқат, халқ хўжалигининг барча соҳаларида бўлгани каби таълим-тарбия соҳасида ҳам замонавий инновацион технологияларни кенг ва чуқур қўлламасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Тажрибаларимиздан маълумки, таълимга *“инновацион янгилик киритиши”* орқали тизим ички тузилишини мукамаллаштириш ва ўзгартиришни талаб қилади. Бунда педагогик инновация амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизими ҳисобланади.

Инновациялар ўта долзарб аҳамият касб этиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардан иборатдир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, изланувчанлик ва ижодкорлик асосида таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади. Шунингдек, умуман таълим тизими самарадорлиги ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараёни қўллаш орқали олдингисидан анча самарали муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охириги натижадир.

Бугунги кунда узлуксиз таълим муассасаларида таълим жараёнида инновацион технологияларни қўллашга қизиқиш, эътибор тобора кучайиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, инновацион технологиялар асосида амалга ошириладиган таълимда эса, ўқувчи-талабаларни ўзлари эгаллаётган билимларни қизиқиб излаб топишлари, изланиш ва ижодкорликка кенг имкон яратади. Мустақил ўрганиб, фикрлаб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари ўзаро келишиб чиқаришларига ўргатади. Педагог бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишга етарли шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик, маслаҳатчи, коррекцияловчи каби функциясини амалга оширади.

Таълим тизидagi инновациялар пухта ўйланган, аниқ самарадорликка эришиши кафолатланган бўлиши ва уни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- Фаолият йўналишига қараб (педагогик жараёнлардаги: дарс, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий тадбирлар; педагогик жамоани илмий-методик жиҳатдан бошқарувдаги фаолият);

- Инновация сифатида киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра (локал, модулли, тизимли);

- Келиб чиқиш манбаига кўра (инновация шу жамоа учун ички ёки ташқаридан олинган).

Таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Шу сабабли “новация” ва “инновация” тушунчалари ўртасидаги асосий фарқни кўрсатиб ўтиш зарур. Бунинг учун ислоҳот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва кўлами асос бўлиб хизмат қилади. Агар фаолият қисқа муддатли бўлса, яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги фақат баъзи элементларини ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз новация хусусида фикр юритаётган бўламиз. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилаётган бўлса ва унинг натижаси ўша тизим натижасига ёки унинг принципларни ўзгаришига олиб келса, бу инновация ёки инновацион ўзгариш бўла олади.

Ҳар иккала тушунча мезонлари қуйидагича: *новация* мавжуд назария доирасида амалга оширилади, кўлам ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради.

Инновация эса тизимли, самарали ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг йўналишлари очилади, замонавий технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат самараларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Таълимда инновациянинг амалиётга киритилиши инновацион жараёнларда амалга оширилади. Инновацион жараён деб – инновацион ўзгаришларга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш жараёнида айтилади. Инновацион жараён – бу педагогик янгиликлар, бу янгиликларнинг педагогик ҳамжамият томонидан тезкор ўзлаштирилиши ва улардан илмийлик асосида амалиётга самарали фойдаланишнинг ўзгариб боровчи яхлитликни вужудга келтиради.

Таълим жараёнидаги инновацион ўзгаришлар, тизимга ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган. Инновацион фаолият – бу узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узок вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Инновацион фаолият – янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрнинг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ижобий ечишга қаратилади. Инновациялар доимий равишда педагогик фаолиятга янгиликлар олиб кириш орқали таълим ривожига муносиб ҳисса қўшади, педагогик фаолиятга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятига тайёрлигининг ижтимоий ва касбий муҳим сифатлари нафақат таълим муассасидаги иқтисодий ва молиявий вазиятга, балки бевосита бу сифатларнинг талаб этилганлиги билан боғлиқдир. Касбий жиҳатдан муваффақиятли ўқитувчиларнинг малакалари ва касбий

сифатлари замонавий таълим тизимининг асосий реал талаблари ҳисобланади. Инноватор-педагоглар бугунги кун таълим тизимининг талаби бўлиб, касбий чўққиларга эришиш учун малака ошириш, қайта тайёрлаш курсларида таълимни чуқурлаштириш талаб этилади. Ўқитувчилар ўзларининг инновацион фаолиятни кенг ёйиш, ёш ўқитувчиларга ўргатиш, интерфаол ўқитиш усулларини очик дарсларда намоён қилишлари зарур. Бу ўқитувчилар ўз фаолиятларини баҳолашнинг янги усулларини топиш, касбига бўлган қарашларни ўзгартириш, педагогик ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда ўқитувчиларга касбий вазифалари тўғрисидаги тор тушунчаларнинг ўзгаришига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида қайд этилган – илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртли ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш каби вазифалар самарали амалга оширилиши шубҳасиз.

Маълумки, педагогик жараёнлар педагогик тизим ичида кечади. Илгаридан лойиҳалаштирилган ҳар бир дидактик жараён маълум принциплар имкониятларга эга бўлиб, у ўқувчида билим, кўникма ва малакаларнинг сифатли шаклланишини назарда тутлади. Бу деган сўз, биз таълим-тарбияда зарурий даражадаги натижани олиш учун педагогик тизимни такомиллаштиришимиз, унинг функциясини ижобий томонга йўналтиришимиз, интенсив педагогик жараённи вужудга келтиришимиз зарур.

Бундан хулоса шуки, таълим-тарбияда сифатли, самарали натижани олиш учун мавжуд педагогик тизимни модернизациялаштириб бориш зарур. Шу муносабат билан *инновацияларнинг объекти* сифатида қуйидаги педагогик муаммоларни келтиришимиз ўринли бўлади:

- ўқув-тарбиявий фаолият мотивациясини ошириш;
- дарсда ўқув материаллари хилма-хиллиги ва ҳажмини кенгайтириш;
- ўқув жараён самарадорлигини ошириш;
- таълим жараёнида вақтдан унумли фойдаланиш;
- таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг шахсий иштироки ва эркин фаоллиги маъсулиятни ошириш.

Бу соҳада энг тўғри йўл – янгиликларни аста-секинлик билан, кетма-кетликда, узлуксиз, унинг натижавийлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда, ҳар томонлама ўйлаб, ўлчаб навбатдаги қадамларни босиш, давом эттириш керак.

Бунинг учун эса инновацияларни педагогик жараёнга киритиш йўллари олдидан белгилаш зарур:

- янги педагогик ғояларни шакллантириш;
- концепция ишлаб чиқиш;
- инновацион дастур яратиш;
- ижро механизмини ишлаб чиқиш;
- амалиётга жорий этиш орқали амалга оширилади.

Президентимиз таъбири билан айтганда *“Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илгор вакиллари бўлишлари керак”* лигини таъкидлади.

Ҳа, илм-фан ва техника шиддат билан ривожланаётган ҳозирги глобаллашув даврида узлуксиз таълим тизимини қайта қуриш, уни инновацион ғоялар, назарий, амалий ва методик жиҳатдан тубдан янгилашни талаб этмоқда. Ана шу мақсад йўлида барча педагогик жамоаларнинг ҳар бир аъзоси ғайрат билан фидойилик кўрсатиб, ватанпарварлик туйғуси билан ёниши зарурлиги ҳис қилмоғи зарур.

Зеро, Президентимиз *“Мен янги Ўзбекистонни – обод ва фаровон, демократик мамлакатни барпо этишда сиз, муҳтарам педагогларни, профессор-ўқитувчиларни ўзим учун энг катта куч, таянч ва суянч, деб биламан. Сизларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаолиятингизни қўллаб-қувватлаш, сизлар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиб беришни Президент сифатида ўзимнинг муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман”* деб ўқитувчи-мураббийларга катта ҳурмат изҳор этди. Давлат раҳбарининг узлуксиз таълим тизими ходимларига нисбатан қилган мурожаатига жавобан инновацион фаолиятларни чуқурлаштириш ва самарадорлиги ошириш имкониятларини излаш ва ижодий ёндашиш ҳар бир педагогнинг муқаддас бурчи бўлмоғи зарур.

Зероки, Ўзбекистон Республикаси – бу бизнинг буюк аجدодларимиз яшаб ўтган муқаддас ВАТАНИМИЗ, уни ривожлантириш эса ҳар биримизнинг шарафли фуқаролик бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан. “Халқ сўзи” газетаси 30.09.2020.

2. Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов Таълим сифатини бошқариш Т.: “Турон-Иқбол”, 2006. 590 б.

3. Халқ таълими журнали бош мақола “Инновация – янгиликка интилиш, келажакка қадам”, т.: 2018. № 1.4-6 б.
4. Айдаров, Е. Б. (2019). Ўқувчи-ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия бериш орқали экологик маданиятни шакллантириш. *Замонавий таълим илмий-амалий оммабон журнал*, 8(81), 60-66.
5. Khoshimova, D., Otajonova, D., & Khaldarchayeva, G. (2020). MODERN TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES. *Academic research in educational sciences*, (3).
6. Sherov, D. (2020). Succession Issues in Teaching English. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 434-439.
7. Djaborova, F., Eshonkulova, S., & Babadjanova, N. (2020). TEACHING PARADIGMATIC POSSIBILITIES IN GRAMMAR OF LANGUAGE-RELATED COMPETENCIES. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 639-642.
8. ЮНУСОВ, О. (2020). Гармонично развитое поколение-условие стабильного развития республики узбекистан. *Гармонично развитое поколение-условие стабильного развития республики узбекистан*, 5(5), 38-42.
9. Tilakova, M. A. (2018). Pedagogical System of Developing Creative Abilities for 9-8 Yeas Students in External Studying Uzbekistan Historical and Cultural Monuments. *Eastern European Scientific Journal*, (2).
10. Рахмонов, А. Р. (2019). Инновацион таълим кластери ўқув фаолиятига самарали усул сифатида. «Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар» халқаро илмий-амалий анжуман, 2, 46.
11. Абдусаматова, Ш. С. (2020). Ҳарбий хизматчиларни амалиётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари. *Ҳарбий фаолиятда психологик ва социологик хизматнинг тутган ўрни ҳамда роли” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси*, 25-28.
12. Қораев, С. (2016). Фанлараро узвийлик ва узаро алоқани таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари. “*Таълим, фан ва инновация*”, 2(2), 45-50.
13. Махкамова, Ш. Р., & Асадуллаева, М. (2020). Ёшларни маънавий тарбиялашда қўшиқчилик санъатининг тутган ўрни, 3, 4.
14. Мусурманов, Р. М., & Сотбаров, А. А. (2020). Взгляды восточных мыслителей на воспитание ребёнка и семейные отношения в узбекских семьях. *Вестник науки и образования*, 4-1(82).
15. Рахманова, М. К. (2019). Талабаларда ижтимоий фаолликни ривожлантиришнинг назарий методологик асослари. *Халқ таълими*, (1), 24-29.
16. Рахманова, М. К. (2019). Таълим технологиялари орқали касб танлашда онгли муносабатни шакллантириш. *Халқаро илмий-амалий конференцияси*, 323-326.

17. Рахманова, М. Қ. (2020). Таълим жараёнида ўқув мунозараларини ташкил этишда ўқитувчининг педагогик маҳорати, ижодкорлиги ва фаоллиги. *"Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal*, 4(4), 68-73.
18. Usarov, J. (2019). Using Teaching Methods for Development Student Competencies. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 15(1), 272-274.
19. Usarov, J. E. (2017). Formation Competence at Pupils as the Factor of Increase of Education's Efficiency. *Theoretical & Applied Science*, 53(9), 79-82.
20. Elmurzaeva, N. (2019). Organizational and Pedagogical Conditions of Improving Educational Work with Mentally Retarded Children in Republic of Uzbekistan. *Eastern European Scientific Journal*, (1).
21. Ernazarova, G. (2016). Improvement of Vocational Training of Vocational Colleges students' on basis of Acmeological Approach. *Eastern European Scientific Journal*, (3).
22. Утаев, А. Й., & Матъякубова, М. Б. (2019). Психологические основы развития речи. *"Таълимдаги инновациялар ва ислохотлар контекстида замонавий кластер тизими: муаммолар, ёндашувлар ва истиқболлар"* мавзусидаги илмий-амалий анжуман, 1, 193-194.
23. Абдуллаева, Г. С. (2020). Кохлеар имплантация бўлган болалар билан якка тартибдаги машғулотлар иш режасини тузиш. *Мактабгача таълим*, (6), 45-48.
24. Samarova, S. (2018). Forming Creative Vision of Person as Universal Method Enhancing Creativity. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
25. Samarova, S. R. (2019). Methods and technologies for the development of creative thinking of pupils. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 7(10), 37-43.

References

1. From the speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the Day of Teachers and Coaches. The newspaper "People's word" 30.09.2020.
2. Sh.Kurbanov, E.Seytkhalilov Education quality management T.: "Turon-Iqbol", 2006. 590 p.
3. Journal of public education main article "Innovation - the pursuit of innovation, a step into the future", vol.: 2018. № 1.4-6 p.
4. Aydarov, E. B. (2019). Formation of ecological culture through spiritual and moral education of students. *Popular Journal of Modern Education Science and Practice*, 8 (81), 60-66.

5. Khoshimova, D., Otajonova, D., & Khaldarchayeva, G. (2020). MODERN TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES. *Academic research in educational sciences*, (3).

6. Sherov, D. (2020). Succession Issues in Teaching English. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 434-439.

7. Djabborova, F., Eshonkulova, S., & Babadjanova, N. (2020). TEACHING PARADIGMATIC POSSIBILITIES IN GRAMMAR OF LANGUAGE-RELATED COMPETENCIES. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 639-642.

8. YUNUSOV, O. (2020). A harmoniously developed generation is a condition for the stable development of the republic of uzbekistan. A harmoniously developed generation is a condition for the stable development of the republic of uzbekistan, 5 (5), 38-42.

9. Tilakova, M. A. (2018). Pedagogical System of Developing Creative Abilities for 9-8 Yeas Students in External Studying Uzbekistan Historical and Cultural Monuments. *Eastern European Scientific Journal*, (2).

10. Raxmonov, A. R. (2019). Innovative education cluster as an effective method of learning activities. International scientific-practical conference "Continuing education in sustainable development: problems and solutions", 2, 46.

11. Abdusamatova, Sh. C. (2020). Socio-psychological aspects of military training. Republican scientific-practical conference "The role and place of psychological and sociological service in military activity", 25-28.

12. Qoraev, S. (2016). Specific features of interdisciplinary coherence and interoperability. "Education, Science and Innovation," 2 (2), 45-50.

13. Maxkamova, Sh. R., & Asadullaeva, M. (2020). The role of the art of singing in the spiritual upbringing of young people, 3, 4.

14. Musurmanov, R. M., & Sotbarov, A. A. (2020). The views of eastern thinkers on the upbringing of a child and family relations in Uzbek families. *Bulletin of Science and Education*, 4-1 (82).

15. Raxmanova, M. K. (2019). Theoretical and methodological bases of the development of social activity in students. *Public Education*, (1), 24-29.

16. Raxmanova, M. K. (2019). Forming a conscious attitude in choosing a profession through educational technologies. International Scientific-Practical Conference, 323-326.

17. Raxmanova, M. Q. (2020). Pedagogical skills, creativity and activity of the teacher in the organization of educational discussions in the educational process. "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal, 4 (4), 68-73.

18. Usarov, J. (2019). Using Teaching Methods for Development Student Competencies. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 15(1), 272-274.

19. Usarov, J. E. (2017). Formation Competence at Pupils as the Factor of Increase of Education's Efficiency. *Theoretical & Applied Science*, 53(9), 79-82.
20. Elmurzaeva, N. (2019). Organizational and Pedagogical Conditions of Improving Educational Work with Mentally Retarded Children in Republic of Uzbekistan. *Eastern European Scientific Journal*, (1).
21. Ernazarova, G. (2016). Improvement of Vocational Training of Vocational Colleges students' on basis of Acmeological Approach. *Eastern European Scientific Journal*, (3).
22. Utaev, A. Y., & Matyakubova, M. B. (2019). Psixologicheskie osnovy razvitiya rechi. Scientific-practical conference "Modern cluster system in the context of innovations and reforms in education: problems, approaches and prospects", 1, 193-194.
23. Abdullaeva, G. S. (2020). Develop an individualized work plan with children with cochlear implants. *Preschool Education*, (6), 45-48.
24. Samarova, S. (2018). Forming Creative Vision of Person as Universal Method Enhancing Creativity. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
25. Samarova, S. R. (2019). Methods and technologies for the development of creative thinking of pupils. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 7(10), 37-43.